

“KAFIL-SUG`URTA”
акциядорлик жамиятининг
2022 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

МУНДАРИЖА

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	3
2.1. Жамият фаолияти тўғрисида.....	3
2.2. Суғурта портфелининг таҳлили.....	4
2.3. Суғурта даъволари портфелининг ҳолати	7
2.4. Жамиятнинг суғурта мажбуриятлари ва захиралари таҳлили	9
2.5. Жамиятнинг инвестиция сиёсати таҳлили.....	11
2.6. Ходимлар билан ишлаш сиёсати	12
2.7. Жамиятнинг моддий техник базаси ҳолати таҳлили	14
2. ЖАМИЯТНИНГ 2022 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАСИ.....	18
2.1. 2021 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....	18
2.2. Жамият томонидан кўрсатилаётган суғурта турлари сони ва сифатини ошириш режаси.	18
2.3. Суғурта маҳсулотларини сотиш йўллари ва маркетинг сиёсатини такомиллаштириш режаси.	21
2.4. Худудий филиаллар фаолиятини ривожлантириш режаси.....	22
2.5. Жамиятда кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш режаси.....	25
2.6. Жамиятда суғурта даъволарини кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш режаси	29
2.7. Жамиятда суғурта фаолиятини автоматлаштириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ни кенг жорий этиш йўллари.	30
2.8. Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш режаси.....	32
2.9. Жамиятни харажатлар ва даромадлар режаси.....	33

1. Жамият тўғрисида умумий маълумотлар

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КўРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1.Жамият фаолияти тўғрисида


“KAFIL-SUG’URTA” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият”) шаклидаги суғурта компанияси 2004 йил 21 майда ташкил этилган, 2006 йилда суғурта фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритган. 2020 йилнинг 18 ноябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 25 февралда берилган СФ 00135-сонли лицензияга мувофиқ умумий суғуртанинг 17 классификацияси бўйича суғурта хизматларини кўрсатиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 18.11.2020 йилда Жамиятга СФ № 00003-сонли Умумий суғурта соҳасининг мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари билан шуғулланиш учун лицензия берилди.

Ушбу лицензия Жамият фаолиятида эришган ютуқлардан бири бўлиб, Жамиятни Ўзбекистон суғурта бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва суғурта хизматлари кўламини ошириш учун замин ҳисобланади.

Бугунги кунда Жамият устав капитали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 02 августдаги “Ўзбекистон Республикасида суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 4412-сонли қарори талабларига мувофиқ шакллантирилган бўлиб, Жамият Ўзбекистон суғурта бозорида молиявий барқарор компаниялардан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг устав жамғармаси 09.07.2020 йил ҳолатига 25,6 млрд.сўмни ташкил этди ва "Кичик саноат маркази" МЧЖ (100,0%) Жамият ягона акциядори ҳисобланади.



3-расм. 2017-2020 йиллар давомида Жамият устав жамғармаси микдорининг ўзгариш динамикаси, млрд. сўмда.


Жамият Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги филиалларида республикамиз аҳолиси, банк муассасалари ҳамда бир қатор йирик корхона ва ташкилотларига замонавий суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2021 йилда “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги Жамиятни миллий шкала бўйича тўлов қобилияти рейтингини “UzA++” “жуда юқори” даражасидаги “барқарор” прогнози билан баҳолади. Жамиятнинг “UzA++” даражасидаги рейтинг билан баҳоланиши унинг тўлов қобилияти юқори ҳамда истиқболли эканлигини билдиради. Ушбу рейтинг суғурталовчи ташкилотларга суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариш учун жуда юқори ишонч ва салоҳиятга эга суғурта компанияларига берилади.

2.2. Суғурта портфелининг таҳлили

Жамият умумий суғурта соҳасига оид ишлаб чиқилган суғурта хизматлари бўйича ўз ривожланиш стратегиясига эга.


Фаолиятининг дастлабки йилларида Жамият асосан автотранспорт воситаларини ихтиёрий суғурталаш билан шуғулланган бўлса, ҳозирда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, аҳоли мол-мулки, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларни суғурталаш ва тадбиркорлик фаолиятига берилаётган кредитларни суғурталаш бўйича мамлакат суғурта компаниялари ичида етакчи ҳисобланади. Жамиятнинг суғурта мукофотлари ҳажми 2018 йилда 25,5 млрд. сўм, 2019 йилда 40,02 млрд. сўм, 2020 йилда 50,01 млрд. сўм ва 2021 йилда 100,21 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,0 ўсиш сурати қайд этилди (4-расм).



4-расм. 2018-2022 йиллар даъвомида Жамиятда йиғилган суғурта мукофоти миқдори, млрд.сўмда.


2020 йил даъвомида йиғилган суғурта мукофотларининг 83,1 % и 5 турдаги суғурта хизматлари ҳисобига тўғри келади (5-расм). Хусусан, кредит қайтмаслик хатаридан суғурталаш (ХУЖМШ лардан бошқа юридик ташкилотлар учун) бўйича 2408 дона шартнома расмийлаштирилган бўлиб, ушбу шартномалардан 26 468,34 млн.сўм; гаровга қўйилаётган мулкни суғурта қилиш бўйича 1576 дона шартнома расмийлаштирилган бўлиб, ушбу шартномалардан 6 044,54 млн.сўм; "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастурига кўра ажратилаётган кредитларни қайтмаслик хатаридан суғурталаш бўйича

10007 донa шахсинг олган кредитларини суғурталаш бўйича 3 586,78 млн.сўм; жисмоний шахсга берилаётган кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш бўйича 8876 донa суғурта шартномаларидан 3 076,54 млн.сўм ва автокредит суғурта тури бўйича 1025 донa суғурта шартномаларидан 2 365,58 млн.сўм суғурта мукофоти йиғилган.




5-расм. 2021 йилда энг кўп суғурта мукофоти йиғилган суғурта хизматлари, млн.сўмда.

Суғурта мукофотлари йиғимининг 69% фоизи 14 класс асосида ишлаб чиқилган суғурта хизматлари ҳиссасига тўғри келади (6-расм).



6-расм. Суғурта класслари кесимида йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми, фоизда (31.12.2021 йил ҳолатига).

Жамиятда 2021 йил 31 декабр ҳолатига расмийлаштирилган суғурта шартномаларининг 38,6 фоизи 8,9 классларни қамраб олган суғурта хизматлари ҳиссасига тўғри келади




7-расм. Суғурта класслари кесимида расмийлаштирилган суғурта шартномалари ҳажми, донада (31.12.2021 йил ҳолатига).

Мазкур суғурта хизматларига “Таровга қўйилаётган мулкни суғурта қилиш”, “Аҳолининг иморатлари ва уй-рўзғор буюмларини комплекс суғурта қилиш”, “Қурилиш таваккалчиликларини ихтиёрий суғурта қилиш”, “Юридик шахсларнинг мол-мулкларини ихтиёрий суғурта қилиш” ва “Таровга қўйилаётган кўчма ускуналарни суғурта қилиш” каби суғурта қилиш каби суғурта турлари бўйича жами 21252 дона шартнома тузилган (7-расм).


2.3. Суғурта даъволари портфелининг ҳолати

Жамиятга 2021 йилда 968 та даъво аризалари келиб тушган ва келиб тушган аризаларининг 89,8 фоизи тўлиқ қаноатлантирилган. 116 та даъво аризаси суғурта шартномасида кўрсатилмаган қалтислик натижасида кўрилган зарарлар, суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилмаслик, рўй берган воқеа суғурта шартномасида кўрсатилган истиснолар сирасига кирганлиги сабабли рад этилган.

2021 йилда Жамият томонидан 27,18 млрд.сўмлик суғурта қопламалари аҳоли ва тадбиркорларга тўлаб берилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1351 % фоизга кўп (9-расм).



8-расм. 2017-2021 йилларда Жамиятга келиб тушган суғурта даъво аризалари бўйича маълумот.



9-расм. 2017-2021 йиллар давомида Жамият тўлаб берган суғурта даъволари бўйича маълумот (млрд.сўмда).

Тўланган суғурта қопламаларининг асосий қисми, кредит қайтмаслик хавфидан суғурталаш, аҳолининг турар жой иморатлари ва уй рўзгор буюмларини комплекс суғурта қилиш, гаровга қўйилган мулк ва транспорт воситаларини суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталан ва ер усти транспорт воситаларини комплекс суғурталаш каби суғурта турлари хиссасига тўғри келади.

2020 йилда келиб тушган даъво аризаларининг ҳолати ҳудудлар кесимида нотекис жойлашган бўлиб, Тошкент шаҳрининг ўзидан келиб тушган даъво аризалари улуши 73,45 фоизни ташкил этади. Тошкент вилояти 11,28 фоиз, Қашқадарё вилояти 3,64 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси 1,95 фоиз ва қолган вилоятлардан келиб тушган аризалар 9,68 фоиз улушга эга (3-жадвал).

3-жадвал.

2020 йилда Жамиятга ҳудудлар кесимида келиб тушган суғурта даъво аризалари ва уларнинг қопланиши бўйича маълумот.


№	Филиал номи	Келиб тушган аризалар сони, дона			Тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори, млн.сўм		
		Юридик шахс	Жисмоний шахс	ЖАМИ	Юридик шахс	Жисмоний шахс	ЖАМИ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12	10	22	8,20	15,18	23,38
2	Андижон вилояти	6	1	7	-	2,03	2,03
3	Бухоро вилояти	3	8	11	5,12	17,63	22,74
4	Жиззах вилояти	5	3	8	17,80	2,28	20,08
5	Қашқадарё вилояти	6	35	41	29,90	40,94	70,84
6	Навоий вилояти	4	3	7	17,70	3,78	21,48
7	Наманган вилояти	0	10	10	-	20,86	20,86
8	Самарқанд вилояти	2	1	3	4,00	3,50	7,50
9	Сурхондарё вилояти	20	2	22	22,00	5,00	27,00
10	Сирдарё вилояти	13	3	16	16,24	14,71	30,95
11	Тошкент вилояти	94	33	127	164,54	62,22	226,77
12	Фарғона вилояти	4	0	4	66,81	-	66,81
13	Хоразм вилояти	15	6	21	49,26	39,08	88,34
14	Тошкент ш.	499	328	827	511,09	734,19	1 245,28
Жами		683	443	1126	912,66	961,40	1 874,06

2.4. Жамиятнинг суғурта мажбуриятлари ва захиралари таҳлили

2020 йил III чорагининг охирида суғурта захираларнинг ялпи ҳажми 2019 йилнинг III чораги натижаларига нисбатан 34,42 фоизга ўсди ва 29,65

млрд. сўмни ташкил этди. Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси (РНП) 26,1 млрд. сўмни ёки барча захираларнинг 88,3 фоизни, ҳисобот даврида юзага келган, аммо хабар берилмаган зарарлар захираси (РПНУ) 3,3 млрд. сўмни ёки барча захираларнинг 11,3 фоизини ташкил этди.

2020 йил III чорагининг охирида хабар қилинган, аммо баратараф этилмаган зарарлар захиралари (РЗУ) ҳажми 101,15 фоизга ошди ва 2020 йилнинг III чорагининг охирида 116,5 млн. сўмни ёки барча захираларнинг 0,39 фоизини ташкил этди. Суғурта захираларида қайта суғурталовчиларнинг улуши 2020 йил III чораги охирида 2019 йилнинг III чораги натижаларига нисбатан 31,28 фоизга ўсди ва 3,860 млрд. сўмни ташкил этди (10-расм).




10-расм. Жамиятнинг 2018-2019 йиллар ва 2020 йил 01 октябр ҳолатига суғурта захиралари таркиби, млн.сўмда

2020 йил III чорагининг якунларига кўра Жамият мажбуриятларининг умумий ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нисбатан 116,74 фоизга ўсди ва 8,95 млрд. сўмни ташкил этди. Хусусан, ҳисобот даврида Жамиятнинг узок муддатли мажбуриятлари 17,46 фоизга камайди ва 736,6 млн сўмни ёки барча мажбуриятларнинг 8,23 фоизини ташкил этди. Қолган мажбуриятлар жорий мажбуриятларнинг улушига тўғри

келади, улар 2020 йил III чораги натижаларига кўра 2,5 баробардан зиёд ўсди ва 8,21 млрд. сўм ташкил этди. Шу билан бирга, 2020 йил III чорагининг охирида барча мажбуриятларнинг даромад келтирувчи активларга нисбати 22,19% ни ташкил этди (2019 йилнинг III чорагида: 20,73%).

2.5. Жамиятнинг инвестиция сиёсати таҳлили.

Жамият томонидан олиб борилган фаол инвестициявий сиёсат инвестиция ҳажмининг кескин ўсишига сабаб бўлди. 2019 йилда Жамиятнинг инвестицияга йўналтирган маблағлари 18,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 42,2 млрд.сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 233% фоиз ўсиш қайд этилди. Жамиятнинг иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларининг 65 фоизини Республика тижорат банкларига жойлаштирилган депозитлар, 26 фоизини Жамиятнинг ташкилотлар устав фондидаги иштироки, 4 фоизини акция ва облигация шаклидаги қимматли қоғозлари ва 3 фоизини займлар ташкил қилади (11-расм).



11-расм. 2018-2020 йилларда Жамият инвестиция портфелининг таркиби, млн.сўмда.

Жамият активларининг асосий қисми 2020 йил III чорагининг охирида жойлаштирилган инвестициялар улушига тўғри келади. Хусусан, қисқа муддатли инвестициялар кўриб чиқиладиган даврда 45,81 фоизга ўсди ва 26,21 млрд. сўмни ёки барча инвестицияларнинг 67,83 фоизини ташкил этди. 2020 йилнинг III чораги давомида узок муддатли инвестициялар ҳажми ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 8,6 баравар ўсди ва 12,43 млрд. сўмга етди. Юқоридаги ўзгаришлар натижасида, 2020 йилнинг III чораги охирида инвестицияларнинг умумий ҳажми 38,64 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг III чорагига нисбатан 99,13 фоизга кўпдир. Кўриб чиқиладиган даврда товар-моддий захиралар 3,3 бараварга ўсди ва 2020 йилнинг III чораги охирида 1,67 млрд. сўмни ташкил этди.

2.6. Ходимлар билан ишлаш сиёсати

Компания бўйича 2021 йил 31 декабрь ҳолатига ходимлар сони 108 тани ташкил этиб, уларнинг билим даражаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда (12-расм).



12-расм. Ходимлар таҳлили (31.12.2021 йил ҳолатига).

Жамиятда меҳнат қилаётган ходимлар жамоасининг 71 фоизи Олий маълумотли, 29 фоизи эса ўрта маълумотли ходимлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ

килиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли Қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда талаба ёшлар ўртасида суғурта маданиятини ошириш, фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш ва уларни касбга йўналтириш, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлар сифатини янада яхшилаш шу билан бирга аҳолини суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида Жамият тизимида, “Малакали ходимлар тайёрлаш тармоқ маркази” ташкил этилди.

Бу эса ўз навбатида, замонавий суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатни кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги суғурта маҳсулотларини жорий этиш ҳамда суғурта бозорига етакчи ва малакали мутахассисларни етиштириб бериш учун шарт - шароитлар яратилганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда “Малакали ходимлар тайёрлаш тармоқ маркази” томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди:

1. Жамиятда кадрлар заҳирасини шакллантириш ва юқори билим ва кўникмага эга бўлган ёш умидли номзод кадрларни ишга таклиф этиш ҳамда Республикамиздаги тегишли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида, 2020 йилнинг 10 июнь куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан Жамият ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди;

2. Жамиятнинг 13.08.2020 йилдаги 35/П-сонли буйруғига асосан 2020 йил 20-21 август кунлари Тошкент вилоятининг сўлим маскани, яъни Бўстонлик туманида таркибий бўлинма ва ҳудудий филиаллар раҳбарлари иштирокида ўқув семинар ташкил этилди;

3. Жамият тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг назарий билимларини ва малакаларини ҳамда амалий тажрибаларини доимий тарзда ошириб боришни ташкил этиш мақсадида “ZOOM” дастури орқали мунтазам равишда онлайн ўқув семинарлар ташкил этилди;

4. Жамиятнинг ҳудудий филиалларида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда иш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Жамият

тизимида “Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари” ишлаб чиқилди ва барча ҳудудий филиалларга тақдим этилди;

5. “Ходимлар билан ишлаш” департаменти билан ҳамкорликда Жамият тизимида меҳнат фаолиятини бошлаган стажёр ходимлар учун “Йўриқнома” ишлаб чиқилди;

6. Жамиятда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, спорт ҳамда жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Жамиятнинг 02.10.2020 йилдаги 45/П-сонли буйруғи билан ҳар ҳафтанинг Пайшанба куни “Спорт куни” деб эълон қилинди ва қатор спорт машғулотлари ташкил этилди;

7. Бош директор топшириғига асосан “Ходимлар билан ишлаш” департаменти билан биргаликда, “Халқ Банк” АТБ, “Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш” ўқув маркази билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида ҳамкорлик масалалари келишиб олинди;

8. Жамиятнинг 30.11.2020 йилдаги 32/S - сонли буйруғига асосан Жамият тизимида мажбурий суғурта маҳсулотларини сотиш бўйича ҳудудий филиалларда ўқув семинари ташкил этилди.


2.7. Жамиятнинг моддий техник базаси ҳолати таҳлили

Жамиятнинг суғурта бозорида сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишида мавжуд моддий техник базаси билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Жамият ҳар йилги бизнес режасини ишлаб чиқиш вақтида ушбу жараёнга алоҳида эътибор бериб келмоқда.


2020 йил 31 декабрь ҳолатига Жамият ҳудудларидаги мавжуд моддий техник базасининг қиймати 4 381,9 млн.сўмни ташкил этади. Жамиятнинг Андижон (9,2%), Бухоро (6,1%), Қашқадарё (7,2%), Самарқанд (7,8%), Тошкент (8,4%), Хоразм (7,2%) вилояти ва Тошкент шаҳри (20,7%) ҳудудларига ажратилган моддий техникаларнинг улуши юқори (13-расм).

2020 йилда Жамият моддий техник базасини бойитиш учун 6,4 млрд.сўм маблағ сарфланди. Ушбу ажратилган маблағ ўтган йилга

нисбатан 189,1 фоизга, 2018 йилга нисбатан эса 140,1 фоизга кўп ҳисобланади. 2021 йилда Жамиятда камида 9,7 млрд.сўмлик моддий техникалар харид қилиш режалаштирилган(14-расм).




13-расм. Жамият худудларга ажратган моддий техникаларининг улуши.



14-расм. 2018-2020 йиллар давомида Жамият томонидан харид қилинган моддий техникалар ҳажми, млн.сўмда

2020 йилда Жамият томонидан моддий техникалар харид қилиш учун ажратган маблағларнинг 60 фоизига офис учун бино, 28 фоизига Транспорт воситалари ва 7 фоизига мебел ва офис жиҳозлари харид қилинди (15-расм).



15-расм. 2018-2020 йиллар давомида харид қилинган моддий техника воситалари, млн.сўм.

Ҳозирги вақтда Жамият тасарруфида жами 288 дона ҳисоблаш техника воситалари мавжуд, шундан 77 донаси компьютерлардир (моноблок, ноутбук, систем. блок ва монитор). Умумий фойдаланишдаги компьютерларнинг 26 донаси “янги”, 41 донаси “яқши” - ҳолатда, ҳозирги кун талабларига жавоб беради, 7 донаси “Эскирган”- ҳолатда, сотиб олинганига 10 йилдан ошган ёки техник параметрлари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди, 1 дона “Носоз”-таъмир талаб ва 2 дона “яроқсиз” – ҳолатда бўлиб ҳисобдан чиқаришга тавсия этилган жиҳозлар ҳисобланади.

2007-2020 йиллар давомида 288 дона ҳисоблаш техника воситалари харид қилинган бўлиб, харид қилинган воситаларнинг асосий қисми принтер, компьютер, монитор, моноблок ва ноутбуклардир (4-жадвал).

4-жадвал.

**Жамиятнинг 2007-2020 йиллар мобайнида жами сотиб олган
компьютер техника воситалари тўғрисида маълумот
(31.12.2020 йил ҳолатига)**

№	Моддий техника номи	2007	2008	2009	2011	2012	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Жами
1	Компьютер (комплект)	1	-	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	3
2	Принтер	11	32	2	-	-	8	4	-	7	5	7	14	90
3	Монитор	6	5	-	-	3	-	16	5	6	12	2	3	58
4	Моноблок	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	27	21	50
5	Notebook	-	1	-	-	2	-	5	1	-	1	-	6	16
6	Системный блок	5	14	-	3	3	-	12	5	6	13	3	3	67
7	Бошка	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1
8	Сервер	-	-	-	-	-	-	-	2	-	1	-	-	3
	Жами	23	52	2	3	8	9	37	13	20	34	39	48	288

2020 йилда Жамиятнинг мавжуд дастурий таъминотлари талабларидан келиб чиқиб, замонавий кенг имкониятларга эга бўлган компьютер воситалари сотиб олишга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Тошкент шаҳри филиали, KAFIL-SUG'URTA-POYTAHT филиали ва Бош андеррайтинг марказлари тўлиқ янги воситалар билан таъминланди.

2021 йилнинг январ ойида 25 дона янги компьютер ва 20 дона принтер сотиб олиш режалаштирилган ва бу воситалар ўз навбатида 5-жадвал асосида тақсимланади.

5-жадвал.

**Жамиятдаги Компьютер техника воситаларига бўлган эҳтиёж
(31.12.2020 йил ҳолатига)**

№	Филиал номи	Ходимлар сони	Жами компьютер (моноблок, ноутбук, систем. блок ва монитор)					Жами 4+5	Ортиқча компьютер	Янги олиш керак	Принтер					Жами 13+14	Янги олиш керак	
			Янги	Яхши	Носоз	Эскирган	Яроқсиз				Янги	Яхши	Носоз	Эскирган	Яроқсиз			
2	Бош офис	37	3	29	-	9	-	32	-	6	2	-	-	-	-	-	2	4
11	Сайёр Сугурга	3	-	-	-	-	-	-	-	2	-	1	-	-	-	-	1	-
12	Тошкент вилояти	5	-	3	-	-	-	3	-	1	-	2	-	2	-	-	2	1
18	Бухоро вилояти	5	-	1	-	-	-	1	-	2	-	-	-	-	-	-	-	2
21	Жиззах вилояти	2	-	2	-	1	-	2	-	1	-	2	-	1	-	-	2	-
23	Қашқадарё вилояти	3	-	3	-	-	-	3	-	1	-	2	-	4	-	-	2	1
25	Наманган вилояти	1	-	3	-	1	-	3	2	1	-	1	-	2	-	-	1	1
26	Самарқанд вилояти	2	-	2	-	-	-	2	-	1	-	1	-	-	-	-	1	1
27	Самарқанд шаҳар (Самарқанд вилояти)	2	-	1	-	-	-	1	-	1	-	2	-	-	-	-	2	-
28	Навой вилояти	2	-	1	1	-	-	1	-	1	-	1	-	1	-	-	1	1
29	Сирдарё вилояти	4	-	-	-	1	-	-	-	2	-	1	-	1	-	-	1	1
31	Фарғона вилояти	4	-	3	-	-	-	3	-	1	-	2	-	2	-	-	2	1
32	Хоразм вилояти	4	-	3	-	2	-	3	-	2	-	1	-	4	-	-	1	2
33	Хива тумани (Хоразм вил.)	1	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	1
34	Богот тумани (Хоразм вил.)	2	-	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	1	-
35	Қорақолғистон Рес.	3	-	1	-	1	-	1	-	1	-	1	-	2	-	-	1	1
	Жами	26	26	41	1	7	2	67	12	25	13	29	-	28	2	72	20	

2. ЖАМИЯТНИНГ 2022 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАСИ

2.1. 2021 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Жамиятни устувор йўналишлари асосий мақсади Жамиятни суғурта бозорида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, суғурта операцияларининг ишончилиги ва рентабеллиги бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган суғурта портфелини яратишдир.

Жамиятнинг барқарор ва тизимли ривожланиши учун Жамиятнинг 2021 йилда қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинган.

1-йўналиш. CRM (*Customer Relationship Management*) орқали суғурта хизматлари кўрсатиш қамровини ошириш. Жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, Онлайн суғурта хизматларини сотиш, ҳудудларда Жамиятнинг янги филиал ва агентликларини очиш.

2-йўналиш. Ходимлар малакасини мунтазам ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш.

3-йўналиш. Жамият моддий техника базасини замон талабидан келиб чиққан ҳолда янада бойитиш.

4-йўналиш. Маркетинг ва рекламани кучайтириш, суғурта хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш.

5-йўналиш. Маркетингга асосан сифат ва рақобатбардошликни ошириш, Жамиятдаги мавжуд кенг жорий қилинмаган суғурта хизматлари бўйича тизимли ишлаш.

Жамият ўзининг 2022 йилга мўлжалланган устувор мақсадларига эришиш учун қуйидаги режаларни амалга оширади.

2.2. Жамият томонидан кўрсатилаётган суғурта турлари сони ва сифатини ошириш режаси.

Жамият кўрсатилаётган анъанавий суғурта турларини ривожлантириб бориб, суғурта қилдирувчиларнинг эҳтиёжларини доимий ўрганиб борилишини таъминлайди.

Жамият томонидан кўрсатилган суғурта хизматларида 2-гурухга кирувчи риск даражаси юқори бўлган суғурта турларининг улуши 68,9 фоиз миқдорида (6-расм) бўлиши ҳам салбий ҳолат сифатида қаралиши керак.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда 2022 йилда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган тегишли лицензия асосида Жамиятда ихтиёрий ва мажбурий суғурта турларини ривожлантириб бориш;

– Жамиятнинг 2020 йил 18 ноябрдаги 56/П-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Жамият тизимида тузилаётган суғурта шартномаларини расмийлаштириш ҳамда рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини ҳудудий филиаллар томонидан сифатли бажарилишини назорат қилиб бориш;

– мавжуд суғурта турларини таҳлил этиш, уларнинг қоида ва намунавий шартномаларини қайта кўриб чиқиш орқали суғурта полисларининг оммабоплигини таъминлаш;

– ишламаётган суғурта турларини ривожлантириш, суғурта хизматлари кўламини ошириш;

– электрон турдаги суғурта хизматларини ривожлантириш, онлайн полис сотишни тадбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасига асосан ишларни олиб бориш;

– 2022 йил даъвомида республика аҳолиси мол-мулклари ва яшаш жойларини табиий офатлардан суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ФВВ билан ҳамкорликда мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш;

– Ўзбекистон суғурта бозорида кўрсатилаётган суғурта хизматлари билан Жамият суғурта маҳсулотларининг таққослама таҳлилинини ўтказиш ва уларнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаб, тегишли таклифларни тайёрлаш.

Жамият ўз улушидан юқори жавобгарлигини қайта суғуртага жойлаштириш ишларини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

– икки томонлама манфаатларни таъминлаш учун маҳаллий, хорижий суғурта Компаниялари қайта суғурта компаниялари ва брокерлик ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

– маҳаллий суғурта компаниялари билан биргаликда суғурталашни ташкил этиш;

– қайта суғурталаш, биргаликда суғурталаш йўналишларида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Мажбурий суғурта турларини ривожлантиришда:

– Жамият мажбурий суғурта фаолиятининг ривожланиш динамикаси таҳлилини олиб бориш. Худудий филиал ходимларини мажбурий суғурта турлари бўйича ўқитишни ташкил этиш, уларнинг касбий малакасини оширишга доир ўқув семинарларини тегишли департамантлар биргаликда ўтказиш;

– Жамият худудий филиаллари томонидан мажбурий суғурта турлари бўйича тузилаётган суғурта шартномалари/полисларини масофадан доимий мониторинг қилиб бориш, қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар даражасини ўрганиш, назорат қилиш, таҳлилларига асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

– Жамиятда мажбурий суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилишида иштирок этиш, суғурта турларининг ўзига хослиги, уларни сотиш технологиялари ва худудий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли таклифлар киритиб бориш;

– худудий филиаллар кесимида мажбурий суғурта тушумлари бўйича Жамият телеграм каналида ҳафталик кўрсаткичлар таҳлилини олиб бориш ва маълумотларни шакллантириш;

– тақдим қилинаётган мажбурий суғурта хизматлари механизмини яхшилаш, шунингдек Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича раҳбариятга асосли таклифлар киритиш;

– транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишдан келиб тушган тушумлар бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига ойлик ҳисоботларни тақдим этиб бориш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун “Суғурта хизматларини ривожлантириш” департаменти 1-иловага ва “Мажбурий суғурта” департаменти 2-иловага асосан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари акс этган йўл харитаси тасдиқланади.

2.3. Суғурта маҳсулотларини сотиш йўллари ва маркетинг сиёсатини такомиллаштириш режаси

Жамиятнинг ижобий имиджини шакллантириш бўйича қилинадиган ишлар:

– мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) тизимини жорий этиш ва компаниянинг мижозлар билан ҳамкорлик стратегиясини автоматлаштириш;

– Жамият ҳақидаги барча маълумотларнинг ягона стандартини шакллантириш;

– ҳудудий филиалларни Brand bookга (08/П буйруқ) мувофиқ ягона шаклга келтириш;

– Жамиятнинг веб-сайтини корпоратив услубга мувофиқ ўзгартириш (қайта ишлаб чиқиш) ишларини якунлаш;

– 2022 йил даъвомида медиа режага мувофиқ мунтазам реклама ишларини олиб бориш;

– ҳудудларда турли тақдимотлар, семинар ва конференциялар ташкил этиш;

– мижозлар учун мақсадли акцияларни ташкил этиш;

– компания ва унинг маҳсулотлари ҳақида видео роликлар тайёрлаш.

Суғурта бозорини ўрганиш бўйича қилинадиган ишлар:

– рақобатчи суғурта компанияларининг ҳар бир суғурта тури бўйича кўрсатаётган хизмат турлари ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси бўйича маълумотларни тўплаш орқали ўрганиш;

– рақобатчи суғурта компанияларнинг интернет тармоғидаги фаоллигини, веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини (Facebook, Instagram, Telegram) кузатиш орқали маълумот ва янгиликларни ўрганиш ва Жамиятда ундан ҳам яхши таклифларни жойлаштириш.

Мижозларнинг талабини таҳлил қилиш:

– Жамият мијозлари ўртасида, шу жумладан ҳудудларида сўровномалар, интервьюлар (шахсий суҳбатлар, телефон орқали суҳбатлар, почта орқали сўров) орқали кўшимча хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

– Жамиятнинг ижтимоий саҳифаларида обуначилар ўртасида онлайн сўровнома ўтказиш (Facebook, Instagram, Telegram);

Мижозлар билан қайта алоқа ўрнатиш учун самарали каналларни ташиқил этиш:

– мијозлар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ва сўровларга тезкор ва сифатли жавоб бериш мақсадида, колл-марказ операторларини ҳамда Жамият ходимлари малакасини ошириш ва мијозларнинг мурожаатлари қай даражада кўриб чиқилаётганлиги назоратини олиб бориш;

– мијозларга байрам ва туғилган кунлари учун табрикномаларни жорий этиш;


– SMS хабарномаларни киритиш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун “Сифат ва маркетинг” департаменти томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари акс этган йўл харитаси 3-иловага асосан тасдиқланади.

2.4. Ҳудудий филиаллар фаолиятини ривожлантириш режаси

Жамиятда 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 40 та ҳудудий филиаллар, шунда 3 та Андеррайтинг марказлари фаолият кўрсатишмоқда.

2021 йил давомида кўрсатилган суғурта хизматлари ҳудудий филиаллар кесимида таҳлил қилинганда, 16-расмдаги кўринишда акс этади.



16-расм. 2021 йилда йиғилган суғурта мукофотларида ҳудудларнинг улуши, фоизда

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, Жамият томонидан кўрсатилган жами суғурта хизматларида Тошкент шаҳар филиалининг улуши 32 фоизни, Тошкент вилоят филиалининг улуши 18 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу 2 та ҳудудий филиаллар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми Жамият умумий хизматларининг 50 фоизини ташкил этмоқда. Қолган 12 та ҳудудий филиалларнинг улуши эса 50% ни ташкил этмоқда. Айниқса Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Наманган, ва Жиззах вилоят филиаллари улушининг пастлигини қониқарсиз ҳолат сифатида баҳолаш лозим. Диаграммадан кўриниб турибдики, юқорида кўрсатилган филиалларнинг фаолияти ўтган йилда суст йўлга қўйилган.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиққан ҳолда 2021 йилда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат:

- 2022 йил январ ойидан CRM тизимини тадбиқ этиш, кунлик қилинган ишларни киритиш ва унумли фойдаланиш;
- ҳар бир ҳудуднинг суғурта майдонини CRM тизимдан фойдаланиб таҳлил қилиш, суғурта майдони ва потенциалини ўрганиш орқали қолоқ

филиалларни ривожлантириш бўйича алоҳида асосланган манзилли таклифлар ишлаб чиқиш;

– Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида янги филиаллар ва суғурта марказларини очиш;

– Жамият раҳбарининг 2020 йил 20 февралдаги 08/П-сонли буйруғида белгилаб берилган талаблардан келиб чиққан ҳолда филиалларнинг моддий-техник базасини тўлиқ мустаҳкамлаш;

– ҳудудий филиалларни ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтказиш ва ижросини тўлиқ назорат қилиб бориш;

– ҳудудий филиалларнинг ойлик рейтингини юритиш, қўйи поғонага тушиб кетган қолоқ филиаллар билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш мақсадида Жамият раҳбарининг 2020 йил 18 ноябрдаги 56/П-сонли буйруғидаги Низом ижросини тўлиқ таъминлаш;

– Жамият раҳбарининг 2019 йил 22 октябрдаги 206-сонли буйруғида кўрсатилган “Суғурта хизматларини оммалаштириш” тамойилини амалиётга тўлиқ тадбиқ этиш;

– хато ва камчиликларни жойида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида тасдиқланган жадвалга биноан ҳудудий филиаллар фаолиятини жойида ўрганиш бўйича мунтазам равишда хизмат сафарларига чиқиш;

– Департамент низомида белгилаб берилган, шунингдек, бошқа норматив ҳужжатларда келтирилган вазифаларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш;

– 2022 йилга мўлжалланган суғурта мукофотлари тушумини таъминлашга доир чоралар кўриб бориш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун “Ҳудудий филиаллар фаолиятини ривожлантириш” департаменти томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари акс этган йўл харитаси 4-иловага асосан тасдиқланади.

2.5. Жамиятда кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш режаси

2021 йилда ходимлар иш фаолияти самарадорлигини ошириш, янги малакали кадрларни жалб этиш борасида Жамиятда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Жамиятнинг “Касб одоби” қоидалари талабларига риоя этилишини назорат этиб бориш, ходимлар ўртасида кўпроқ тарғибот этиб бориш ҳамда ҳар бир ходим билан алоҳида профилактика ишларини олиб бориш. Ушбу қоидаларга риоя этмаган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар тақдим этиб бориш.

2. Ходимларнинг меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш чораларини кўриб бориш, унумдорлиги паст бўлган ходимлар билан ишлаш ҳамда самарасиз иш ўринларини қисқартириш.

Ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни умидли кадрлар билан банд этиш чораларини кўриб бориш.

3. “Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида”ги Тартибга асосан захира кадрларни шакллантириб бориш. Бунда асосан қуйидаги 2 та йўлдан фойдаланиш:

- Малакали ходимларни тайёрлаш тармоқ марказига ўзларини Жамиятда суғурта қилдирган ёш кадрларни ўқишга таклиф қилиш ва ўқиш якуни бўйича муносиб номзодларни ажратиб олиш.

- Тегишли ижтимоий тармоқлар, каналлар орқали келгусида кадрга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин бўлган иш ўринларига танлов бўйича эълонлар бериб бориш.

4. “Бош офиснинг энг яхши таркибий бўлинмасини аниқлаш ва мукофотлаш тўғрисида”ги Тартибга асосан ҳар чорак якуни бўйича бош офиснинг энг яхши таркибий бўлинмасини аниқлаш, ҳолибларни мукофотлаш ва аксинча қолоқ таркибий бўлинмаларга нисбатан тегишли таъсир чораларини кўришни ташкиллаштириш.

5. Жамиятда ҳозирги кунда 128 та ходимдан 38 таси ўрта маълумотли ходимлар бўлиб, шундан 11 таси суғурта соҳасида 2 йил иш стажига эга

бўлган ходимлардир. Ушбу ходимларнинг 50 фоизини Ўз.Рес Президентининг 02.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сонли қарорига асосан соҳа йўналишида бакалавр маълумотга эга бўлишини таъминлаш мақсадида Тошкент молия институтининг сиртки бўлимида таҳсил олувчи номзодларни тақдим этиш.

6. Замонавий бошқарувда Кадрлар билан ишлаш сиёсати (қўлланма)ни, яъни HRM тизими бўйича малака ошириш ва Жамиятга жорий қилиш.

Халқаро расмий ижтимоий тармоқлар ёки тегишли ўқув курслари орқали HRM тизимини ўзлаштириш.

7. “Малакали ходимларни тайёрлаш” тармоқ маркази ва “Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш” бўлимлари билан ҳамкорликда ходимларни ўқитишда замонавий электрон модул тизимни жорий этиш.

8. “Малакали ходимларни тайёрлаш” тармоқ маркази билан ҳамкорликда Жамиятга ёш умидли кадрларни жалб этиш, уларни ўқитиш, келгусида Тошкент шаҳарда филиаллар сонини ҳудудларга мос равишда кўпайтириш ҳамда мазкур филиалларни муносиб кадрлар билан банд этиш.

9. Ходимлар тўғрисидаги маълумотларни CRM электрон дастурига Жамиятнинг расмий Веб-сайти орқали киритилишини ва маълумотлар ушбу дастур орқали юритилишини таъминлаш.

10. Жамиятнинг ҳудудий филиаллар ходимларини янада яхшироқ ўрганиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва мавжуд муаммолар билан танишиш мақсадида барча ҳудудий филиалларга хизмат сафарига бориш.

11. Жамият ходимларининг ишчанлигини ошириш, соғлом бўлишлари ҳамда соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш мақсадида, ходимлари ўртасида спорт ўйинларини ташкиллаштириш.

Ўз навбатида, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган ходимларни жамият ҳисобидан спорт тўғарақларига боришлари учун имконият яратиб бериш.

12. Таркибий ва ҳудудий бўлинма раҳбарларида раҳбарликни шакллантириш ҳамда мазкур лавозимларга заҳира кадрларни тайёрлаш

мақсадида “Лидерлик ва ходимларни бошқариш” мавзусида мутахассислар иштирокида 2021 йилнинг апрел ва август ойларида семинар ташкил этиш.

13. Жамиятнинг ҳар бир йўналишга масъул бўлган бўлинма ва етакчи умидли филиал раҳбарларининг малака оширишлари, тажриба алмашишлари, замонавий руҳиятга эга бўлишлари ва ортирган малакасини Жамият равнақига хиссасини қўшишлари учун суғурта соҳаси ривожланган чет эл давлатларига юборилишини ташкиллаштириш.

14. Ходимлар ўртасида аҳилликни ва бирдамликни сақлаш мақсадида йилда 2 мартаба жамоавий саёҳатни ташкил этиш.

Малакали ходимлар тайёрлаш тармоқ маркази томонидан 2020 йилда қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, Жамиятнинг суғурта бозоридаги ўрнини юқори ўринларга кўтарилиши, ходимлар иш фаолиятини ривожлантириш, самарали меҳнат фаолиятини ривожлантири ҳамда марказ фаолиятида туб ўзгаришлар кузатилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда 2022 йилда марказ томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

1. Жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят ва ҳудудий филиаллар ходимларини тегишли тартибда аттестациядан ўтказиш ҳамда аттестация натижаларига, ходимлар билим, малака ва кўникмаларидан келиб чиқиб ўқув семинарлар ташкил этиш.

2. Ўзбекистон суғурта бозоридаги ҳамда Жамиятдаги мавжуд талаб ҳамда таклифларни инобатга олган ҳолда Марказ қошида “Суғурта агенти фаолиятига тайёрлаш” ва “Суғурта ташкилотида бухгалтерия ҳисоби” ўқув курсларини очиш, ушбу ўқув курсларда дарс машғулотларни олиб бориш учун суғурта бозорида узоқ йиллик тажрибага эга малакали ходимлар ва профессор ўқитувчиларни жалб этиш ҳамда билимга чанқоқ, изланувчан ва суғурта соҳасида ўзини синаб кўрмоқчи бўлган ёшларни ушбу ўқув курсларга йўналтириш.

3. Суғурта бозорида узоқ йиллик тажрибага эга малакали ходимлар ва мутахассислик юзасидан мавжуд профессор ўқитувчиларни Марказга жалб этган ҳолда Жамият ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этиш

ҳамда “Ходимлар билан ишлаш” департаменти билан биргаликда Жамият бош офиси ва ҳудудий филиаллари ходимларини мазкур малака ошириш курсларига жалб этиш.

4. Жамият ходимларини мунтазам равишда билим савияларини ошириш, уларни суғурта бозоридаги сўнги янгиликлар билан хабардор этиш ҳамда уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат қилиб бориш мақсадида Жамият веб сайти - www.kafil.uz негизида “kafil-modul” тизимини шакллантириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли Қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда Жамиятнинг ҳудудий филиаллари учун ёш кадрларни тайёрлаш мақсадида барча вилоятлардаги олий таълим муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, Жамиятнинг бош офис департамент раҳбарларини ТДИУ ва ТМИларда амалий машғулот, мастер класс ва вебинар дарсларга юбориш.

6. Жамият тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг назарий билимларини ва малакаларини ҳамда амалий тажрибаларини доимий тарзда ошириб боришни ташкил этиш мақсадида “ZOOM” дастури орқали мунтазам равишда онлайн ўқув семинарлар ташкил этиш.

7. Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда “Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.

8. Жамиятнинг “Олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талабалари билан ишлаш, уларни мукофотлаш ҳамда Жамиятда стажировка ўташ тартиби тўғрисида” Низомга мувофиқ, 01.07.2021 йилда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда “Суғурта ёшлар нигоҳида” кўрик танловини ўтказиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сонли қарорига асосан суғурта соҳасида камида 2 йил иш стажига эга бўлган ва Жамиятда сидқидилдан меҳнат кўрсатиб келаётган ўрта маълумотли ходимларни соҳа йўналишида бакалавр маълумотига эга бўлишини таъминлаш мақсадида уларни ўқитишни ташкил этиш.

10. Жамиятда кадрлар заҳирасини шакллантириш, ходимларнинг назарий билимларини ва малакаларини ҳамда амалий тажрибаларини доимий тарзда ошириб бориш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта маҳсулотларини сотишни самарали ташкил этиш мақсадида ҳудудий филиалларга хизмат сафарига чиқиш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун “Ходимлар билан ишлаш” департаменти ва “Малакали ходимлар тайёрлаш” тармоқ маркази томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари ақс этган йўл харитаси 5-б-иловага асосан тасдиқланади.

2.6. Жамиятда суғурта даъволарини кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш режаси

Маълумки, Жамият томонидан суғурта даъволари Жамият Бош директорининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган “Жамият ва унинг ҳудудий бўлинмаларида суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом” талаблари асосида кўриб чиқилади.

Мазкур низом талаблари доимий равишда Департамент ходимлари томонидан тушунтириб келинаётган бўлишига қарамай, ханузгача ушбу низом талабларини бажаришда ҳудудий филиаллар томонидан сусткашликка йўл қўйиб, бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда.

Бу каби камчиликларни келгусида такрорламаслик, шунингдек, Жамият томонидан белгиланган устувор вазифаларга эришиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- Суғурта даволарини кўриб чиқиш тизимида АКТни кенг жорий этиш;

– Жамиятнинг Суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти томонидан ходимларнинг бу борадаги билим савияси ва амалий кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш;

– Жамият ва унинг ҳудудий бўлинмаларида суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни мавжуд муаммолар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар асосида доимий равишда такомиллаштириб бориш;

– бошқа рақобатдош суғурта Жамиятларининг бу борадаги амалиётини доимий равишда ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, шунингдек уларни амалиётда қўллаш масалалари юзасидан Жамият раҳбариятига таклифлар киритиш;

– аҳолининг суғуртавий саводхонлигини ошириш ҳамда суғурта кўламини янада кенгайтириш мақсадида суғурта ҳодисалари юзасидан тўланаётган суғурта товонлари ҳақидаги маълумотларни Жамиятнинг расмий веб-сайти, оммавий ахборот воситалари, шунингдек ижтимоий тармоқларнинг бошқа сиҳифалари орқали кенг ёритиб бориш;

– тўлаб берилаётган суғурта товонларини айбдор шахслардан суброгация тартибида ундириш тизимини такомиллаштириш;

– ҳисоботларни юритишда АКТ дан кенг фойдаланиш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун "Суғурта даъволарини кўриб чиқиш" департаменти томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари акс этган йўл харитаси 7-иловага асосан тасдиқланади.

2.7. Жамиятда суғурта фаолиятини автоматлаштириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ни кенг жорий этиш йўллари.

Жамият тизимида ахборот коммуникация технологияларини қўллаш, электрон дастурларни иш фаолиятни автоматлаштириш долзарб йўналиш ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини шакллантиришнинг автоматлаштирилган тизими суғурта қилдирувчилар тўғрисида тезкор маълумотларга эга, кучга

кирган суғурта шартномаларни тегишли ҳисобот даврларини солиштириш, филиалларда фаолият юритаётган суғурта агентлари тўғрисида маълумотлар олиш, улар фаолиятини назорат қилиш учун агентликларга кенг имкониятлар яратилди.

2022 йилда ахборот технологиялари йўналишни ривожлантириш борасида қуйидагилар амалга оширилади:

Маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича:

- Суғурта фаолияти автоматлаштирилган iPolis дастурининг янги версиясини Жамият тизимида жорий этиш;

- Онлайн суғурта фаолиятини ривожлантириш, бунда iPolis дастури, Жамият веб сайти ва бошқа тизимларни ўзаро интеграциясига эътибор берилди;

- 1 С бухгалтерия дастури ва iPolis дастури ўртасида маълумот алмашиш тизимини тўлиқ форматда ишга тушириш;

Жамиятнинг ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш бўйича:

– иш жараёнларини автоматлаштириш учун янги дастурларни амалиётга жорий этиш;

– Жамият расмий веб сайтини такомиллаштириб ҳозирги кунда фойдаланилаётган технологиялар билан ишлашини таъминлаш;

– ижтимоий тармоқларда Жамият саҳифаларини янги маълумотлар билан бойитиб бориш;

– Бош офис ва филиаллар ўртасида жорий этилган янги корпоратив электрон почтадан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириб бориш;

– ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриш;

– худудий филиаллар моддий техника базасини янгилаш ва такомиллаштириш;

– интернет канали ишлаш тизими доимий таъминлаш, онлайн тарзда интерактив хизматларни жорий этиш;

– электрон полисларни жорий қилиш ва унга тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– маҳаллий ва хорижий суғурта бозоридаги суғурта компанияларининг бу йўналишдаги ишларини мунтазам таҳлил қилиш, тўпланган маълумотлар асосида Жамият рақобатбардошлигини ошириш, технологик жиҳатдан юқори поғонага олиб чиқиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун "Ахборот-таҳлил" департаменти томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари ақс этган йўл харитаси 8-иловага асосан тасдиқланади.

2.8. Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш режаси

Жамиятнинг инвестицион фаолияти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 2009 йил 3 июлда 68-сон билан рўйхатга олинган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчиларнинг инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Низомлари, ҳамда Жамиятнинг 2021 йил учун инвестиция сиёсати тўғрисидаги Низомига асосан олиб борилади.

Жамият ўз инвестицион фаолиятини ривожлантириб бориши натижасида охириги 2 йилда унинг миқдори 2,4 баробарга оширилишига эришилди.

Инвестицион фаолият Жамият умумий фаолиятининг ажралмас ва муҳим қисмлардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, 2021 йилда мазкур фаолият бўйича қуйидаги устувор режаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

1. Инвестицияга йўналтирилган маблағлардан олинадиган даромад ҳажмини ошириш бўйича аниқ чоралар кўриш;
2. Барча талабларга жавоб берадиган диверсификацияланган активлар портфелини шакллантириш;
3. Инвестицион фаолиятни тўлиқ автоматлаштириш.

Юқорида белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиш натижасида 2021 йилда Жамият инвестицияси миқдори,

жумладан, узок муддатли инвестициялардан тушадиган даромадлар 1,5 баробарга оширишга эришилади.

Бизнес-режанинг юқорида келтирилган бандлари ижросини амалга ошириш учун "Инвестиция" департаменти томонидан аниқ муддатлари ва амалга ошириш йўллари акс этган йўл харитаси 9-иловага асосан тасдиқланади.

2.9. Жамиятни харажатлар ва даромадлар режаси

2021 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида белгилаб олинган вазифалар ўз вақтида бажарилиши натижасида жамиятнинг миқдорлари сони ҳамда даромадлари, яъни суғурта мукофотлари бўйича тушумларнинг сезиларли даражада ўсишига эришилади.

Миллий суғурта бозори ҳолати ва ундаги суғурта ташкилотлари сони ҳамда бошқа омилларни инобатга олган ҳолда жамият суғурта мукофотлари тушуми прогнозини ишлаб чиқди. Суғурта мукофотларининг прогнозларини белгилаш жамиятнинг суғурта бозоридаги мавқеини кўтариш, миқдорларнинг суғурта хизматлари бўйича ортиб бораётган талабларини максимал даражада қондириш, суғуртада шакллантириладиган суғурта захиралари, суғурта шартномалари бўйича жавобгарликлар, суғурта товонларининг прогнозларини белгилашда ижобий таъсири кўрсатади.

Суғурта мукофотлари йиғишда Жамият ўз олдига 1 гуруҳга оид бўлган суғурта хизматларидан йиғиладиган мукофотларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2022 йилда тушиши режалаштирилган суғурта мукофотларининг 75 750,00 млн.сўм қисми ёки 74,6 фоизи 1-гуруҳдаги суғурта хизматлари ҳисобига, 25 750,0 млн.сўм қисми ёки 25,4 фоизи 2-гуруҳдаги суғурта хизматлари ҳисобига тўғри келади (6-жадвал).

Жамият даромадларининг асосий қисми суғурта мукофотлари тушумидан олинган даромадлар ва бўш турган маблағларни жойлаштиришдан олинадиган инвестицион даромадлар ҳисобига шаклланади (Бизнес режанинг 1.5 бўлимига қаранг).

2022 йилда жамиятнинг инвестицион фаолиятидан олинадиган даромадлар прогнози 2021 йилга нисбатан 1.5 баробар кўп миқдорни, яъни 6.1 млрд.сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

2022 йилда маҳаллий суғурта бозоридаги мавжуд рақобат муҳитидан келиб чиқиб, сифатли суғурта хизмат кўрсатиш билан бир қаторда суғурта хизматлари таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда Жамият сарфланаётган харажатларнинг самарасини ошириш, суғурта тушумларида тўғридан-тўғри суғурта хизматлари улушини ҳамда “Online” суғурта хизматларини кенг йўлга қўйиш орқали амалга оширади.

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган харажатлари жамият фаолиятининг кенгайиши, миллий суғурта бозордаги мавжуд рақобатнинг кучайиши, суғурта хизматлари кўрсатиш таннархининг ошиши билан боғлиқ бўлиб, прогноз бўйича 150,0 млрд.сўмни ташкил этади.